

Каъба эшигининг қулфи ва устига ёпилган матонинг тарихи



16:15 / 11.07.2025 1650

Султон Абдулҳамид Усманий томонидан ҳижрий 1309, милодий 1891 йили ясалган эски қулф асосида ҳижрий 1399, милодий 1979 йили янги қулф қайта ишланди. Бу ўзгартириш янги эшикка муносиб бўлди. Уни қайта таъмирлашга эҳтиёж қолмади. Бу қулфнинг узунлиги 34 см. Ҳар томонининг эни 6 сантиметрдан. Ҳар бир томонида сариқ мисдан бир бўлак бор. У томонларнинг узунлиги 8 см, эни 2 см. Қулфга қуйидаги ибора ўйиб ёзилган: «Ҳолид ибн Абдулазиз оли Сауд томонидан ҳижрий 1399 йили ясалган».

Энди каъба устига ёпилган матонинг тарихи ҳақида сўз юритамиз.

Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалонийнинг хабар беришича, Каъбага биринчи бўлиб Исмоил алайҳиссалом кисва, яъни ёпқич ёпганлар. Бошқа бир ривоятда эса бу амални Аднон қабиласи қилгани айтилади.

Яна баъзилар эса биринчи бўлиб яманлик Туббаъ Асъад ал-Ҳимярий ёпган, дейишади.

Каъбага биринчи бўлиб ипак кисвани Аббос ибн Абдулмуталлибнинг онаси Натила бинт Жаноб ёпганлиги ҳам айтилади. У ўғли Аббос йўқолиб қолганида, «Агар ўғлим топилса, Каъбага ипак кисва ёпаман», деб назр қилган экан.

Яна баъзилар булардан бошқа кишилар ёпганини айтишган. Исломда биринчи бўлиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, сўнгра халифалар ўз замонларида мато ёпишган. Милодий 1258, ҳижрий 656 йили Аббосийлар халифалиги барҳам топганидан кейин Каъба устига ёпиладиган мато Миср ва Ямандан келтириладиган бўлди. Подшоҳ Солиҳ Исмоил Қалавун Қоҳира четидаги учта қишлоқни мато тўқишга жалб этгач, мато Мисрдан келадиган бўлди. Кейин ҳижрий 947 йили Султон Салимхон Усманий у қишлоққа ана шу вазифа учун бошқа еттита қишлоқни қўшди. Сўнгра Муҳаммад Алий Пошо мато ишлари учун ҳукумат бошқармасини тузди. То милодий 1924, ҳижрий 1343 йилда фавқулодда сабаблар бўлгунича Миср ҳукумати мато ишлаб чиқаришни ва уни ҳар йили Маккага юборишни ўз тасарруфига олди. Милодий 1924 йилдан кейин бу масъулиятли ишни подшоҳ Абдулазиз оли Сауд ўз бўйнига олиб, Маккаи Мукаррамада мато ишлаб чиқариш учун иншоот қуришни амр қилди. Биринчи мато ҳижрий 1346 йили тўқиб чиқарилди. Ҳижрий 1355 йили Саудия ҳукумати билан Миср ҳукумати ўртасида келишув тузилганига қадар мана шу фабрикада мато тўқилди. То ҳижрий 1381 йили тўхтаб қолгунга қадар Миср яна ҳар йили мато жўнатишни бошлади. Ҳижрий 1392 йилдан бошлаб Саудия ҳукумати мато фабрикасини қайта очиб, яна ишлаб чиқаришни бошлади. Ҳозир Маккаи Мукаррамада янги ипак мато тўқувчи «Кисва» фабрикаси ишламоқда.

***Макка, Каъба, Замзам тарихи,
ҳаж ва умра маносиклари» китобидан.***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/6905-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.